

МЕТАФОРА ҲИССИЁТ ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИК СИФАТИДА (Оригинал ва кам ишлатилувчи метафоралар мисолида)

Элёр Холмуратов
Самарқанд Давлат чет тиллар институти
2-босқич магистранти.

АННОТАЦИЯ

Мақолада метафора ҳақида маълумотлар, унинг ҳиссиётни ифодалаш воситаси сифатидаги ўрни оригинал ва нисбатан кам ишлатилувчи метафоралар мисолида ёритиб берилади.

Одамзод пайдо бўлгандан буён борлиқни англашга ҳаракат қилиб келган. Айнан, бу каби уринишлар афсона, ривоят тарзида оғзаки ва ёзма манбаларда акс этган. Вақт ўтиши билан бу каби иборалар нисбатан кам ишлатилса-да, ўзининг бадиий қийматни йўқотгани йўқ. Улар кўчма маънода ишлатилиб. стилистик восита-метафора сифатида ҳам ишлатилмоқда.

Калит сўзлар: “данайлар совғаси”, оригинал метафора, “музлаган” метафора, bell the cat, wolf in sheep’s clothing, color metaphors.

Икки нарсанинг айрим тасодифий белгиларига, бу белгиларнинг ўхшашлигига асосланган стилистик маъно ифодалаш усулига метафора дейилади. Метафора – асосий луғавий-мантиқий ва кўчма-матний маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган стилистик усулдир.

Мисол учун **кўз** сўзи инсон аъзоси сифатида ўз маъносига ишлатиладиган бўлса, **кўз тегди**, **кўзи тушди**, **кўз қирини ташлади** каби маъноларда кўчма маъноларда ишлатилиши мумкин.

Сен мен бўлмаган пайтимда бу ерда “кўз” бўлиб туришинг керак. Кўз сўзи бу ерда шахга нисбатан ишлатилиб, бош бўлмоқ, масъулиятли киши бўлиш маъноларида ишлатилмоқда.

Таъсирчанлик даражасига кўра метафорани икки гурухга бўлиш мумкин: Эскирган(музлаган) -(**Trite**), яъни, деярли кам ишлатиладиган ва оригинал (**genuine**)- янгиланиб бораётган, тез-тез ишлатилувчи метафоралар.

Эскирган метафоралар кўпинча маълум бир тарихий воқеалар, афсоналар, бадиий эпос каби манбалар орқали тилга кириб келган ва ҳозирда деярли кам ишлатилувчи метафоралардир. Эскирган метафораларнинг кўпчилиги тилдаги эскирган, кам ишлатилувчи қатлам сифатида аллюзия, идиома тарзида ҳам ишлатилади.

Метафора ҳиссиёт ифодаловчи бирлик сифатида эскирган ва оригинал метафоралардан бирдек фойдаланиб келади.

I fear the Greeks even when they bear gifts [3, p.385] – Мен совға олиб келувчи юононлардан қўрқаман. Гапда қўрқмоқ сўзи метафора сифатида кўчма маънода ишлатилган. Ушбу метафора бадий асардан олинган бўлиб, тарихий жараёнлар ҳақида ҳам маълумот беради. Қўрқмоқ деганда юононларнинг “бехосият совға” си назарда тутилган, душман қўлидан совға олиш. Айнан “Троя оти”, яна бир маъноси , “Данайлар совғаси”(Greek gift) дан қўрқиш назарда тутилади. Тарихий ва бадий асарлардан маълумки, юононлар(душманларининг) қўлидан совға олган трояликлар алалоқибат ҳалокатга маҳкум бўлади[2].

To bell the cat[4,75] – *Мушукнинг бўйнига қўнгироқ осиши* метафораси қадимги эпик асарлар ва шу билан биргаликда кўпгина поэтик-сатирик асарлар мавзусига ҳам айланган. Қўнгироқ ва мушук метафораси душмандан ёки рақибдан қўрқиши маъносида салбий ҳиссиётни ифодалаган. Асарда тасвиirlанишича сичқонлар ашаддий душмани бўлмиш мушукдан қутулиш учун унинг бўйнига қўнгироқ осиб қўйиш керак деган таклифни бир овоздан маъқуллашади. Лекин айнан ким(сичқон) бу ишни қилади деган савол эса жавобсиз қолади.

To be a wolf in sheep’s clothing[3] – қўй терисини ёпинган бўри бўлмоқ гапида бўри метафораси салбий ҳиссиётни ифодалаб келади. Бўри метафораси ҳам салбий ҳам ижобий ҳиссиётни ифодалайди. Ушбу гапда бўри қўркув, хавотирланиш, ишончсизлик каби ҳиссиётларни ифодалаб келган.

Метафорлар ранглар орқали ҳиссиёт ҳам ифодаланиши мумкин. Ранглар воситасида ҳиссиётлар ҳам ифода этилади. Қора ранг орқали кўпгина ҳолларда салбий маъно ифода этилади. **Black sheep**-тирраки бузоқ, **black market**- қора бозор(ноқонуний, чайқов бозор), **black money**-ноқонуний орттирилган бойлик, бебелиска пул, **black hand(s)**-қора қўл(лар) – ёвуз куч(лар). **Black clouds**- there are black clouds on the horizon-Осмонни қора булут қоплади ёки қўнгилсиз хабар тарқади маъносида. Аксинча **white**-оқ ижобий маънони ифодалаб келган. **White knight**-қийин вазиятдан чиқишга ёрдам берувчи шахс ёки нарса, **white thoughts**-тоза фикр, эзгу фикр **white lie**- безарап(фойдали) ёлғон.

Ҳиссиётлар ранг орқали ифодаланганда биз ўрганиб қолганимиз ижобий ранг дея таърифланувчи ранг ҳар доим ҳам ижобий ҳис-туйғуни ифодаламайди. Қўлланилиши ва гап мазмунига кўра турлича маъноларни ифодалashi мумкин. Оқ фил-“**white elephant**”[4,888] метафораси салбий маънода қилинган харажатни қопламайдиган бефойда лойиха, иш ёки қимматга сотиб олинган, лекин эндиликда ҳеч нарсага арзимайдиган нарса маъноларини ифодалайди.

“White nights”- уйқусиз тун, беҳаловат кеча. Инсондаги салбий ҳиссиёт, беҳаловатликни ифодалаб келади.

Ҳиссиётни ифодалашда кўп ишлатилувчи ёки деярли кам қўлланиладиган метафоралардан фойдаланаар эканмиз, мақсад улардан унумли фойдаланиш бўлмоғи лозим. Кам ишлатилувчи метафораларга мурожаат этиш орқали ҳам тил жозибадорлигини ошириш мумкин. Оригинал метафоралар эса ишлатилавергани сайин, ёзувчи, адебнинг маҳоратига қараб сайқалланиб бораверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. И.Р.Гальперин Стилистика английского языка. Учебник. Изд.2-е, испр. и доп. М., «Высш. Школа», 1977 (I.R.Galperin Stylistics).
2. https://en.wikipedia.org/wiki/Trojan_Horse
3. Metaphorically speaking : a dictionary of 3,800 picturesque idiomatic expressions / N.E. Renton
4. Word and phrase origins. Fourt edition. Robert Hendrickson.2008. white elephant.